

БАРЧАНГИЗНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН 2000 ЙИЛ БИЛАН САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙМИЗ!

ХУРРИЯТ

1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛ
ГАЗЕТА

ЖУМБОК

КАВАКДАН — ОВОЗ

Ёки қалам тутган шарманда

Самарқанддан нарида, Дехқонobodдан бери, Қашанининг ерида бир худбин йигит бор эди. Бир куни у бурни ториб туриб ўйланди: "Қайга қарсанг, ҳамма ёзувчи бўп кетопти. Мен шунтиб юрамани? Қалам бор, қоғоз бор, ёзув керак".

У ўтириб ёзди, юриб ёзди, чалқанча тушиб, юз тубан ётиб олиб ёзаверди, ёзаверди... Қанча қоғозларнинг бошига етди, метрлаб қаламини увол қилди. Бироқ уни эл-қурт танимади, устоз, деб биров олдига бормади, доврўги Қашанидан нарига ўтмади.

Алқисса, адабиётга кучи етавермагач, у ижодини юма-лок хат ёзишга бурди. Бир куни тутқаноғи тутдимми ёки бошқа сабаб бўлдимми, тўғри Тошкентга, телерадиокомпания раҳбариятига хат ёзди: "Вой дод, оёғимдан кўтариб юборинг! Машҳур бўлай, десам, ходимларингиз йўл бермаёпти. Телеминиаторада ишлайдиганлар фақат ўзларининг асарини чиқаради, вилоятларга навбат тегмайдими?" дея хатга яқун ясади-да, конвертни кўз ёши билан ёпиштириб ўйланди. Кимнинг адресини ёзса экан? Узиникини ёзса, мардлик бўлади, мардлик эса, унга ярашмайди. Кел, таникли бир журналистнинг номи бўла қолсин, деб қаршилик Норкул Тиловнинг адресини, исми-фамилиясини кўрсатди. Тўхмат хат тағига қашқадарёлик олти қаламкашнинг исми шарифини қатор келтирди ва чап қўли билан уларнинг ўрнига имзо чеқди.

Лекин унинг "доно" бошига Мухаммад Очил, Қилич Нурмухамедов каби ҳажвчилар "Муштум"да ҳам қайта-қайта совриндор бўлгани, телеминиаторларда ҳам қатнашиб туриши келмади. Сир очилиб қолса, уша ёзувчиларнинг юзига қараш учун эса юзини қалинлаштириб олди.

Биз бу маломат хат билан қаршилик ижодкорларни таништирдик. Улар аввалаги қашанилик муштинларнинг устидан қулишди, кейин ҳалол имзо билан оқлов хати ёзиб бердилар. Хатда, шундай сўзлар бор эди: "Сизларга шунини маълум қиламизки, биз... ҳеч қандай шикоят хати ёзган эмасмиз. Аксича, Мухаммад Очил, Қилич Нурмухамедов каби ҳажвчи-ёзувчиларимизнинг асарлари эфирда бериб борилаётганидан мамнунимиз... Бу сохта шикоят қашқадарёлик ижодкорларда ҳам нафрат хиссини уйғотди. Имзо: Норкул Тилов, Холмухаммад Ҳасан, Ҳафиза Этамбердиева, Али Нийёз, Амир Худойбердиев, Мухаммад Очил".

Биз қавақдан чиққан бу ғариб товуш эгасининг қийлигини билмадик. Халқчул ҳам қўлимизда. Ана у, қалам ушлаган шарманда, деб кўрсатиш мумкин эди. Андишага бориб, ҳозирча оти-отини тилга олмадик. Мулоҳаза шулким, ул зоти "шариф" бир илм ўчоғида илму ододдан ваъз ўқир экан. Майли, омон-эсон нонини ошаб юратурсин. Тағин шоғирлари: "Устозимизнинг юзи қора экан", деб юришамсин.

Саъдулла СИЁЕВ

ИЧ-Э!

Қийшиқ
ёғоч тез
ёнади

Чоршанба кунлари чиқади

1999 йил 22 - 28 декабрь

51 (153)-сон

МУЛОҲАЗА

ХОЛИСЛИК МЕЗОНИ

Иккинчи босқич ҳам ўтди

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайлов жамиятимиз ҳаётида фақулдда тарихий ҳодиса бўлиб қолди. Бу ҳақда ҳали кўп ёзилар, лекин мен мазкур тадбир баҳонасида фуқароларнинг фаоллашуви ва одамларга қарата фикр айтиш маданияти хусусида тўхталмоқчи эдим.

Назаримда, энг улкан ютуқ мамлакатда юз бераётган ўзгаришларни халқ қўллаб-қувватламоқда, ўзгаришларни ҳис қилмоқда, англаб етмоқда. Бошқача айтганда, англаб етиш ФАОЛЛИГИ яққол кўзга ташланмоқда.

Фаоллик сўз ва иш бирлиги билан ўлчанади.

Яширишнинг ҳождати йўқ, баъзан кўксига уриб, асрий аъёналаримиз, аждодлар мероси ҳақида хаяжонланиб гапирадиганларнинг турмуш тарзига назар ташланса, уларнинг ўзлари ўз гапларига амал қилишмаётганини кўрасиз. Дейлик, меҳр-оқибат, яқинларга ғамжўрлик ниқоби остида давлат хиёбатдан сийлашлар, нуфузликроқ амал тегди дегунча ён-теварагига хеш-акраболарни жамлашга уринишлар. Бундай одатлар қанчалик зарарли эканлигини изоҳлашга ҳождат йўқ. Чиройли сўзлар билан ҳавойи қарлар қуриш мумкин, борингки, даврани қизитиш мумкин, лекин гўзал амаллар гўзал сўзлар замирида қолиб кетгани аянчи.

Катталарга иззат-ҳурмат азал-азалдан халқимизнинг муқаддас фазилати. Шундай деймиз-у, баъзан телеэкран орқали "Қарилар уйи" ёки "Меҳрибонлик уйи"ни кўриб одамнинг юраги эзилиб кетади. Ҳудуд "Оталар сўзи - аклиннинг кўзи" орқали намойиш этилаётган ноқобил фарзандлар, ноқобил ота-оналар ҳақидаги лавҳалар осмондан олинаётгани йўқ, улар ҳаётий мавзулар бўлгани учун ҳам қўпчилигининг эътиборини қозонапти.

Нима демоқчиман? Мен кимларнидир буткул қоралаб ташлаш ёки бошқаларни кўкларга кўтариб макташ борадиган олтин ўрталикни сақлаш зарур демоқчи эдим. Шундай бўладики, беайб парвардигор деганларидек, ижобий фазилатларни, ютуқларни алқашда ҳам, нуқсонларни очиб ташлашда ҳам бир-рекламаларга берилиб кетиш ўзимиз кутган самарани бермайди.

Декабрнинг 9 кунини Жиззада бўлиб ўтган сайловчилар билан учрашувда Президентликка номзод Исроил Каримов ниҳоятда муҳим гапларни айтди. Қаранг, ҳатто сайловолди учрашувлари чоғида ҳам қилишларимиз феълдаги айрим кусурлар кўришиб қолган.

Яширишнинг ҳождати йўқки, депутатликка ўтиш ба-



Муборак
ТУРОПОВА,
"SANAM"
журналистнинг бош
муҳаррири


хонасида номзодлар турмушда учраётган муаммоларни, айрим қийинчиликларни тилга олади. Уларни бартараф этиш борасида ўз мулоҳазаларини ҳам айтади. Лекин... Ҳаётимизда кузатилаётган айрим камчиликлар ҳеч кимга янгилик эмас. Уларни қалаштириб ташлаш йўли билан сайловчилар кўзига яхши кўриниш кимга керак? Айниқса айтилган камчиликларни бартараф этиш имкониятининг йўқ бўлса, қуруқ сафсатаболдан не мурад?

"Сайловчилар, эртага сенга овоз берадиган одамлар олдидаги чиқишларда, халқ билан мулоқот кураётганда кўпчиликка яхши кўриниш учун, уларнинг кўнглини ром этиш учун омон йўлга, яъни бугунги камчилик ва нуқсонларни, муаммо ва етишмовчиликларни рўқач қилиб, уларни кескин танқид остига олиб, одамларнинг оғирини енгил қилиш бобида катта-катта ваъдалар бериш ва сохта обрў олиш йўлига ўтиб кетиш қийин эмас."

Президентимизнинг бу гаплари бир томондан депутатликка номзодларга, қолаверса, ўзини жамиятимизнинг фаол фуқароси деб билган ҳар бир оғли инсонга ҳам тегишлидир. Ҳаётдаги айрим камчиликларни бўрттириб кўрсатиш йўли билан оммага яхши кўриниш даври ўтди ахир. Қай йўлни тутган тақдирда ҳам ўрта йўлни, ўрта мулоҳазани, бир сўз билан айтганда, холислик мезонини сақлаш билиш ҳаммамиз учун зарурдир. Акс ҳолда, юртбошимиз айтганидек, "Лекин бу жуда қалтис ва нопоқ йўл. Бундай йўл тутиш одамларни алдаш, уларнинг энг эзгу ниятларини топташ, демакдир. Ҳақиқат ва инсон виждонини олдида хиёнатдир".

Чунки оддий одамларни қуруқ ваъдалар билан алдаш, чалғитиш, умидвор қилиб қўйиш ва эртанинг ўзида айтилган ваъдаларнинг барини унутиб юбориш на маданиятга, на инсоний виждонга тўғри келади.

Виждон олдидаги хиёнатдан оғирин йўқ. Мақтаймизми, коралаймизми, бунинг ортида бошқа шахсий мақсадларимизни паналаймизми - булардан қатъий назар, бир нарсани - гапимиз ҳам, сўзимиз ҳам ва барча фаоллигимиз ҳам бир улғу ҳақиқатга - Ватанимиз истиқбол учун хизмат қилишнинг унутмаслик зарур. Шундангина ўзимизни ва бошқаларни алдамаган бўла-



СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ

"Хуррият"ни ўқинг, азиз газетхон!

Авлоднинг соғломлиги хурриятда,
Тафаккурнинг янгилалиши хурриятда,
Юртимизнинг фаровонлиги хурриятда!
"Хуррият" - мустақил фикр минбари.
Мустақиллики мустақил фикр
мустаҳкамлайди.

Мустақил фикр тафаккурни соғломлаштиради.
"Хуррият" - Ватан ва соғлом авлод учун
хизмат қилади!

Энг яхши хабарлар, энг ноёб янгиликлар, энг
турфа қарашлар жой олади газетамиз
саҳифаларидан.

"Хуррият" - Сиз ҳар қандай соғлом фикр-
мулоҳазангиз ва тақлифларингизга эмин-
эркин эълон қиладиган газети!

"Хуррият"га обуна бўлинг,
Соғлом авлод йилида "Хуррият"
Сизнинг доимий ҳамроҳингиз бўлсин, азиз
газетхон!

САЙЛОВ

ОТА, ЙЎЛ БЕРИНГ, УТАЙ!

Ўғлим бу йил биринчи марта сайловда қатнашди. Сайловга бирикки кун қолганда номзодлар тўғрисида оилавий сўхбат бўлди. Мен Олий Мажлисга номзоди қўйилганлар орасида ўзимга маъқули, ҳаётий тажрибаси катта, раҳбарлик иқтидор бор, хурматли хотиша овоз беришимни айтиб, кўпчилигим билан ўғлимга ҳам шунини маслаҳат бердим. Онаси кўнди. Бироқ ўғлим кўниш у ёқда турсин, мени бошқа номзодга овоз беришга тарғиб қила бошлади:

- Тўғри, сиз айтган киши тажрибали, - деди у. - Бироқ парламента ёшлар керак. "Фидокорлар" партияси шундай ёшларни кўрсатаёпти. Тажрибани ўқиб ўрганса бўлаверди.

Ҳамма ўзбек оиласидаги каби бизникида ҳам отанинг гапи-гап. Бироқ бу сафар гапим ўтмади. Бу ҳам етмагандек ўғлим: "Дада, Сизларга қолса сайловни сийловни айлантириб, бировни маҳалладаги хурматига, бировни эл-юрт олдидаги хизматига, яна бировни амалига қараб сайлайсизларми, дейман. Парламент аъзолари орасида ёшларнинг бўлиши зарур эмасми!" деб ўз фикрини уқдиришга уринди. Ўғлимнинг гапида жон бор эди. Уч-тўрт кун аввал номзодлар билан бўлган учрашувда номзодлар ўз сайловолди дастурларини баён этишгандан кейин музокаралар бошланди, сайловчилар сўзга чиқибди. Йигилмиш силанқина бораётган эди, орқадан бир ёш йигит, сўзга чиқиб ҳавонини биров "айинтди".

- Азиз оталар, - дея қуйиниб гапирди у. - Нега энди маҳаллада

қатта хурматга эга бўлган муҳтарам домлага, кўчага водопровод суви олиб келиши учун вилоят ташкилоти раҳбарига, магазин қуриб бергани учун тадбиркор акамизга овоз беришга чакираяписизлар. Ахир депутат қилиб сайламаса ҳам бу ишни қилиш уларнинг вазифаси парламентада. Шундай экан, олий органда ёшларимиз иштирокини таъминласаккина келажак ҳақида кўпроқ айлданган бўлаёмизми! Қолаверса, ёшларга кўпроқ сўз берайлик.

Орқароқда утирган ёшлар қарсақ чапишди.

Ўғлимнинг гаплари менга шу учрашувни ёслатди. Уларнинг гаплари тўғри эди. Агар сайловдан муваффақиятланганлар рўйхатида назар ташласак, катталар ва ёшлар нисбатиде катта фарқ кўринмайди. Илагари битта-иккитта комсомол йигит-қиз номигагина қўшиб қўйилган бўлса, эндиликда Олий Мажлисда ҳатто 30 - 35 ёшлар талайгина. Бу нимани аналатади? Образли қилиб айтсак, катталар - болаларга, болалар - катталарга қўлоқ солади, дегани. Назаримда, бу - яхшилик аломати. Биз болаларимизнинг эмас, болалар бизнинг айтганимизни қилиши керак ва шарт деб масалани қўндаланг қўйиш зинҳор тўғри келмайди. Юртбошимиз доимо эътибор қаратиб келаётган навқирон авлод кекса авлод билан баҳамжиҳатликдагина катта самара бера олади.

Ўзбекистонда эркин демократик жамият қуриш йўлида муҳим қадам бўлган бу сайловлар тўғрисида ҳали кўп гапирлади, ёзилади. Сиесташунослар, жаҳон жамоатчилигини берадиган баҳолар, чиқариладиган хулосалар ўз йўлига. Энг муҳими биз, сайловчилар эришган натижа, чиқарган ху-

Тошқул
БЕКНАЗАРОВ

лосаларимиздир.

Сайловлар жуда қизгин ўтди. Сайловолди курашининг қандай кечилишига биз ўз ҳаётимизда шўҳид бўлдик. Тортишаман, қурашаман деганга майдон ҳам, рақиб ҳам етарли эди. Аксарият округларда етти, саккизтагача номзод кўрсатилганди. Шунга қарамай, улар ўртасидаги кураш бутун маданий дунё ҳавас қилгудек тарзда кечди. Бу - бизнинг Конституциямиз ва сайлов тўғрисидаги қонунларимиз илгор демократик мамлакатларнинг андозлари ҳамда халқимизнинг миллий ва тарихий қадриятларига мос яратилганлигининг самарасидир. Сайловларимизнинг демократик асослари мустаҳкамлиги ҳам шунда. Сўзимизнинг бошига қайтсак, ҳатто сайловдек жиддий ва сиёсий тадбирда ҳам азалий қадриятларимизнинг асоси бўлиши кексаларга мизнинг салохиятини, ҳам истиқлол йўлида дадил одим ташлаётган миллий тафаккуримиз давомийлигининг мустаҳкамлалишига ҳисса қўшади. Бунинг қадрини тушунган оталар ўз фарзандларига "Ота, йўл беринг, утай!" дейишни қутишмайди, бундай мурожаатга урин қолмайди. Балки, "Йўлингиз очик, ёшлар, келажак - сизларники!" дея даъватлар янграйди.

Сайлов шу маънода ҳам катта сабоқ ва катта имтиҳонга айланади.

Фаллаворол

ИДДАО

ҚОҒОЗНИНГ УВОЛИ...

Газета рекламасини ким ўқийди?

Куни кеча уйимизга яқин почтахонага кирдим, имконим кўтарганича уч-тўртта газета ва икки журналга обуна бўлмоқчимдим. Ана шу жойда бир отахон ишни бўзди - банди узилган кўзойнагини бир қўлида тутиб, иккинчи қўлида газетанинг орқа-олдини ағдариб ўқиб ўтирган бу чол мени иллаб қаққириб қолди.

- Бунинг қаранг, болам, - деб газетани кўрсатди у: - Шунга инсофданими?

Бирон ноинсоф ҳақида фелъетон босилган экану, отахон шу бахона, бир гаплагисини келибди шекилли, деб ўйлаб, кўнгли учун, уша газетани остин-устун қилиб кўз югуртидим. Ажаб, унда кишини хаяжонлантириб, инсоф ҳақида ўйланшига тортадиган бирон нарсаси йўқ эди: бори - расмий хабарлар, қаерлардадир яхши ишлаб мўмай даромад топиб қандини ураётган шовқозлар ҳақидаги лавҳалар, жорик ва спорт хабарлари, бўлган - шун. Кейинги кетган машҳур урта фирманинг энг ажабтовор матоҳларини сотиб олишга даъват этадиган 3(уч) дона реклама бор экан, холос.

Ажабланиб, отахонга қарадим.

- Ўзимам ҳайрон бўлишимизни билувдим, иним, - деди у. - Мен худди шунини, манови рекламаларини айтганиман-да.

- Ҳа энди, амаки, ҳозир бунақа реклама кўп-ку, нима, ё бирон бўлмағур нарсани мактаб чиқибдими?

- Йўқ, билмадим, балким тузуқ нарсалардир, лекин мен бир пенсионер одамман, газета ўқимасам туролмайман, бугун ҳам бир буханка нонини пулга манови икки газетани сотиб олиб, почтага кирганимни, ўтириб ўқийман дедим. Бу газеталар атиги тўрт бетдан, аммо ўзингиз қаранг, икковининг учинчи-тўртинчи бетларида рекламалар бошқа ҳеч вақо йўқ.

- Нимаям дейсиз, бозор иқтисоди шароитида бу оддий ҳодиса-ку, амаки, - деб таскин бердим. - Ҳозир ҳамма газета ҳам реклама беради. Ҳатто махсус реклама газеталари ҳам чиқаяпти...

Зухриддин
ИСОМИДИНОВ

- У газеталарнинг йўли бошқа, - дея чол тушунмаган ҳамсухбатидан ҳафсаласини пир бўлгандек ёнбош ўғирлиди. - Уларни шунча маълумотни қидирган одам атайин олиб ўқийди. Аммо манови обрўли, нуфузли рўномаларга нима бўлган? Е босишга материал қаҳатми? - Чол қизиқиб, фикрини ўқитишга тушди. - Бир ёқдан, реклама берган фирмалар мени босиб чиқарши учун газетани идорасига мўмайгина чуқ тулашса керак, газета чиққач қарасангиз, икки саҳифаси - ярми қарийб олпоқ қоғозу, ҳар бетининг ўртасида ўзбек тушунмайдиган "ўзбекча" тилда алланимаболон мактаб ёзилган икки-уч оғиз сўзи бор, холос, аммо сиз билан менга уни боғайди 20-25 сўмдан сотаверишадди. Ахир, ҳей баракка топқур, ҳам хўрдани, ҳам бурдани урма, инсоф қил - ё рекламани алоҳида саҳифага битиб, уни газета нархига қўша, ё бўлмасам, атар ярми реклама билан тўлган газетанинг баҳосини 10 сўм қил, бор ана - 12 сўм қил...

- Ие, амаки, - дедим. - Сиз айтгандай иш тутилса, бу рўномаларга обуна қилади? Ахир улар ё олти ёки, ё бир йилга ҳам тўлиқ тулаб қўйишадими-ку?

- Уларнинг иложи йўқ, пули қулган киши қаламбир чайнабди дегандай, борида чўдаб ўтиришаварида-да, ўзини шунчалик қуйинтирган рўномаларни минг охтиёт билан тахлаб сумкасига солди. Зийрак одам экан, ажабланганимни кўриб изоҳ ҳам берди:

- Қоғоз табарруқ нарсани, иним, уни ёғиллаб, хор қилиб бўлмайди, қоғознинг ҳам уволди бор.

Газетхонлик отанининг ўзи менинг ёшмдан каттароқ бўлган мўйсифдиннинг гапларида жон бор эди...

КЕЛГУСИ
СОНЛАРДА:

"У-УХ, ТОМАТ, ТОМАТ!.." Кўқонлик уч тадбиркорнинг "томат операцияси"ни барбод қилган терговчи шундай деб пешонасига муштлади.

ДЕҲҚОН
РЭКЕТЧИ
БЎЛОЛМАДИ !!!

Супер
ЮТУҚЛИ
SUPERKROSSWORD

ТАФТИШ

... Э, биродарлар, бу дунёда чўпон зоти, паст келмади, мард келди. Илло, чўпон зотиға кенглик ёр бўлади, жумардик ҳамкор бўлади. Илло, бир йилгина қаҳратоннинг қаҳрига, саратоннинг забтига чидаган, янги туғилган кўзичоқнинг қўлоғига "уҳ-уҳ"лаб иситган чўпон дунёга андак бемалопро-оқ, хотиржамро-оқ қарайди, майда-чуйда ташвишларга андармон бўлиб юришини ўзинга эп кўрмайди.

заранг таёқ судраб ўтган. Ру-стам ака ҳам яқин 12 йил шу касбнинг этагини тутди. "Нишон" қорақўлчилик-на-слчилик жамоа хўжалигига қарашли 1-ферманнинг 15-отарида бош чўпонлик қил-ди.

ола қалпоғини бошдан олди-ю, манглайини эзгилаб хўб ўйланди, хўб ўйланди, ука-ларидан, хеш-акрабодларидан сўраб-суриштирди. Аён бўлдики, хизматга тухмат бўлибди, яъни ўша 72 бош қўй ҳеч қаерга кетмаган, ак-синча кўпайиб, униб-ўсиб юрган экан.

ди, холос. Табиийки, тилхат совлиқ бўлолмади. Шунинг учун 30 бош қўй ҳам Рустам Кўзиев отаридан чиқиб қилинмасдан, санокда тура-вереди. Хайриятки, бу факт судда тасдиқланмади.

ди, 23 бош қўй қайтарилди. Аммо "қўйлар бугоз эди" деган баҳона билан яна 23 бош қўзичоқ шўрлик Рустам чўпон ҳисобига ёзилди-қол-ди.

қилмаган ишни қилиб, бирикки жойга ариза бериб кўрди Рустам чўпон. Шукрки, эл уни "ёзғучи" деб ёз-гирмади, аксинча, қўллаб-қувватлади. Афсуски, ари-зага жавоб юборадиган "катта бова"лар фақат қоғозни кўрарканлар, "айбдор" билан мундай ўтириб гурун-лашмас эканлар. Натijaда жавоблар ҳам бир хил бўларкан...

ТИЛХАТ "СОВЛИҚ" БЎЛОЛМАЙДИ

Чаласавод чўпон емасаям айбдор бўлиб қолаверадими?

га чалади, уям бўлмаса заранг таёғини елкасига бо-санча хиргойи қилиб юраве-ради.

рон киши: "Чўпон бова! Бу кўйган имзоларингиз бир кун келиб бошингизга бало бўлади!" десами, Рустам ака асло ишонмасди, "астоғфу-рулло!" деб қўярди: чўпон зоти қоғозга эмас, одамга ишонади.

ойлари учун иш ҳақи сифа-тида 15 бош қўзи ёздириб олиб (ариза бу гаплардан мутлақо беҳабар Р.Кўзиев ва унинг укаси номидан ёзил-ган ва қалбаки имзо қўйил-ган), ўзлаштириб юборган.

23 + 22 = 212 (!) Бу ҳисоб унчалик тўла эмас. Чунки Рустам чўпон жами 235 (!) бош қўй тўла-ша мажбур бўлди. Албатта, ака-укаларнинг, хеш-уруғ-ларнинг, ҳамқишлоқларнинг кўмаги билан! Ана шунда... Рустам чўпон синди. Синган-даям ёмон синди - кулоғи-гача қарзга ботди. Қарз ёмон бўлар экан, биродарлар. Орадан ҳафтаб, ойлаб тер-годан сугда, прокурорга чо-гани-чи?!

...Уч йил бўлиб қолди, Рустам чўпон ҳеч қаерда иш-ламайди. У киши билан гаплашиш анча оғир. Дарров сизга "катта бова" деб мурожаат қилган, гўё ҳақиқат чўнта-гинида-ю, сиз ҳозир чиқариб берадигандай жовдираб қараб тураверадми? Бу орада таниш-билиш-ларнинг маслаҳати, чечамиз-нинг кўмаги билан умрида

МУЛОҲАЗА

ЧЕКАЁТГАН АЁЛ...

Ичиш, чекиш каби зарарли одатлар ҳақида кўп ва хўб ёзилган, гапирилган. Бу иллатларнинг ёмон оқибатлари, одамзотга келтирувчи қулфатлари барчага аён. Бирок уларга "этибор" ортса ортjптики, аммо камайиш йўқ.

узатди-да, бир донга сигарета беришни сўради. Аввалига бирор киши буюргандир-да, деб эътибор қилмадим. Кейин улар билан изма-из ташқарига чиқдим. Не кўз билан кўрайки, ҳалиги бола сигаретани оғизига олиб тутатар, катта кишиларга тақлидан гоҳ пуфлаб, гоҳ қўли билан чертиб, у ёқ бу ёққа юриб, ёнидаги кичик-ларга кўз-кўз қиларди. Улар эса унинг ортидан "битта чектир" деб югуриб юриш-шарди...

Тараққийтни белгилайдими?! ачинарлиси, ҳатто уларга сигарета сотган тижоратчи акахоннинг ўзи-да болалар-нинг талашиб-тортишаётга-нини завқ билан кузатиб туради. Негадир шу тобда ўша тижоратчининг олдига қайтиб бориб: "Нега бола-ларга сигарета сотасиз?" дея сўроққа тутгим келди. Аммо аёл киши бўлганим учун истихона қилдим (Қолаверса, бу орада унинг атрофида яна 2-3 эрка пайдо бўлганди). Ва айнан шунинг учун ўзим дил-дилимдан ёмон кўрган бу иллатга нисбатан нафратим-ни ичимга ютишга мажбур бўлганим учун виждоним кийнаиб кетди. Ахир мен ҳам ўша бепарво, лоқайд одамлар сафида болақай-ларни номаъқул йўлдан қайтариб қололмадим-да!

Насихату ўғитлари керак. Аммо катталарнинг ўзлари ҳам бу захру қақум, ароғу сигареталарнинг асири бўлсалар-чи? У ҳолда келажак учун, келажак ворисларининг баркамолли-ги учун ким қайгуради? Бугун кўчада ўзбек қизлари, аёлларнинг ҳам сигарета чекаётганларини кўп учра-тяпмиз. Чекишни-ку қўя турайлик, ҳатто ичиб, хушёрхонага тушаётган аёлларнинг борлигига ўзим гувоҳ бўлдим.

орасида ҳам мода тусини олаётган бисса? Ичиш-чекиш миллий қадриятларимизга ёт эканини, муқаддас дини-мизда қаттиқ қораланганини яхши биламиз. Замонавий тиббиёт ҳам бу ярамас одатларнинг инсон саломат-лигига келтиражак зиённи аллақачон исботлаб қўйган. Ва табиийки, уларнинг келажак авлод яратувчиси аёллар соғлигига етказадиган зарари ҳам ҳеч кимга сир эмас. Демак, Она деган буюк масъулятни зиммаси-га олувчилар ана шу оғуларга ошно бўлар экан, бу энг аввало, инсоният наслига пугтур етказадиган, қолаверса, бутун жамятни таназулга олиб келади. Шундай экан, бу иллатларга қарши жамятнинг ҳар бир аъзоси, соғлом фикрли ҳар бир фуқаро курашиши керак.

ЖАВОБ

ТАРҒИБОТГА МУҲТОЖ ЭМАС

"ЎЗБОШМАЧЛИКНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?"

Хурматли тахририят! Рубонамнинг 17-23 ноябр 1999 йил 46 (148)-сонда босилган "Ўзбо-шмачликнинг чеки борми" деб номланган мақолангизни ўқиб, "Собир Ра-ҳимов Савдо" масъуляти чекланган жамяти Сизга қуйидагиларни маълум қилади:

Яна рекламалар хусусида Машхур адибимиз Абдулла Қаҳ-ҳор шоғирларига насихат қилиб: "Ҳатто кўчадаги ёзувлардан ҳам бирор нарса ўрганса бўлади", деган эканлар. Ҳақиқатан ҳам ҳозирги пай-да шаҳарларимизнинг кўрнга кўрқ қўшиб турган катта-кичик сурат-ла-ҳалару, турфа хил ёзувли реклама-лардан олам-олам маъноларини ўқиб олиш мумкин. Кўчалардаги, катта йўл ёқаларидаги бундай тасвирлар дав-латимизнинг реал қиёфасини, ўзбек-нинг, Ўзбекистоннинг мақтанса ар-зиғули бугунги ҳаётини ифодалаб туради. Бирок, айрим рекламалар эса...

эди: беш нафар йигит-қизнинг хуш-нуд қайфиятдаги сурати. "ХОН ШУ-б-хасия бизникидир!" деган ёзув! Бу сўзларни суратдаги қизлар айтаёт-гандек гўё.

Битта компаниянинг манфаати учун минглаб ёшларнинг онгини бу-лаб мўмайгина пул топишдан на-ҳот уялмасан? Тарғиботсиз ҳам си-гарет бозори касод бўлгани йўқ-ку! Бозор иқтисодиёти шароитида мам-лакатимизга кириб келаётган ре-кламаларнинг халқимиз аънаёлари-га, ахлоқига, саломатлигига таъси-ри ўрганилиб, бундай тарғиботлар-нинг муайян чегараси белгиламоғи лозим. Зеро, биз ҳамма нарса ни пул билан ўлчайверадиган жамят кура-ётганимиз йўқ. Юртбошимиз мил-лий мафкура тўғрисидаги сўхбатла-рида шундай деган эдилар: "Сир эмас, баъзан беозорона бўлиб ту-юлган мусиқа, оқддийгина муълт-фильм, реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкурани мақсадлар ва интилишлар ифодаланади". Ҳа, кўна лавҳалари онгимизни бузмас-лиги учун бу ишга масъуляти билан ёндашмоғимиз лозим. Зеро, ади-бимиз айтиб ўтганидек, кўча ёзув-лари ибратли нарсаларни ўрганишга имкон яратсин.

Хурматли тахририят! Биз, Бўстонлик туманида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар (Азов, Аҳме-дов, Зупаров, Латипов, Икромов, Мирха-ллоев, Скороваров, Сосина, Шумских) 1991 йилдан 1998 йилгача Чорбоғ кўча ме-ханизациялашган колонна (ПМК)да (жамоа корхонаси) турли касбларда меҳнат қил-ганмиз.


Р.УБАЙДУЛЛАЕВ, жамят раиси

Қайсар АЛИ

В. АЗОВ, З. ЗУПАРОВ, Д. ИКРОМОВ (Жами 10 нмзо)

Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани

ТАХРИРИЯТДАН: Бизга қолса-ку, ижрони пайсалга солаётган жанобларнинг танобини тортиб, қонуний пулнингизни аллақачон чўнтақларингизга солиб қўярдиқ, азизлар. Бирок тахририят хўки-хулоса ясамайди, вазифамиз - сизларнинг норозилигингизга сабаб бўлаётган ҳолатларни матбуотда ёритиб, мутасаддиларнинг башарасига ойна тутуш, холос. Бирок, бу нарса мутасаддиларни ҳаракатга келтирарикан, уларни озорқ бўлса-да, уялтирадики? Ҳозирча аниқ бир нима дейиш қийин. Лекин бир нарса ни эслатиб қўйишимиз шарт. Вазирлар маҳкамасининг қиндиғина маош-ларни вақтида бериш тўғрисидаги қарори унча-бунча раҳбарнинг кўзини очиб қўйиши аниқ.



ШИКОЯТ

ИЖРОНИ КУТАЯПМИЗ!

унга нописандлик билан қараш нафақат биз-нинг моддий манфаатларимизга, балки энг аввало суд ҳокимияти обрўсига пугтур етказ-майдики? Худди шундай ҳолат "Хуқуқий дав-лат", "қонунчилик" дея янграётган бандан-парвоз гаплар қадрининг одамлар орасида жуда ҳам қадрсизланганига сабаб бўлмайди-ми? Аҳвол шу залда кетаверса одамлар қонунга, судга қандай ишонади?

Шу боис ҳам биз тегишли идораларга му-рожаат қилавериб, натижа чиқмаслигига амин бўлганимиздан сўнг "Хуррият"га шико-ят ёзишга мажбур бўлдиқ. Бу масала қонун-ий ниҳоя топишга "Хуррият" ёрдам бера оладими?

В. АЗОВ, З. ЗУПАРОВ, Д. ИКРОМОВ (Жами 10 нмзо) Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани



МАГРИБУ МАШРИК КИЗИК СЕМИЗЛИК - БАХТМИ Ё ?..

Грекарларнинг 13 ёшгача бўлган болалари дунёдаги энг семиз болалар экан. Халқаро тадқиқот маълумотларига кўра улардан сўнг Кувайт, АҚШ, Германия, Финляндия, Голландия, Кения ва Таиландда яшайдиган ўспиринлар туради.

АССАЛОМ, КИНО!

1999 йилда АҚШ ва Канада кинотеатрларида сотилган чипталар миқдори рекорд даражасига етди — 1,6 миллиард! Бу эса на Интернет, на спутник ёки на кабелли телевидение катта экран ўрнини боса олмастлигига энг яхши далилдир.

УЧ МАМПАКАТДА ИЛМ ОЛГАН ОЛИМ

Хасан Туркияда 1948 йили туғилган. Уша ердаги Измир ўқитувчилар коллежини тугатиб АҚШ га ўқиш учун келган. У 1976 йили Даллас шаҳридаги Техас университетини битирган.

Хар кимки, ўз тенги билан чиқса ва мадора қилса, душман кўлидан саломат бўлур; ахлоқ ва сифатда дўстлар бирла мувофиқ бўлса, аларнинг мухолифатларидин амон бўлур.

Қўшабпарак кун душмани бўлганидек, ҳақиқатчиға ҳам душман кўбдир. Локин ҳақиқатчи қўшаб-параклардин кўрқуб мақсадинин чечилмас.

Уч нимарсаннинг бақоси бўлмағай: бахс ва жадлисиз или, ва тижоратсиз мол, ва сиёсатсиз мулк.

Қобил кишини тарбият қилғил ва ноқобилни тарбият қилмағилки, қобилиятликини тарбият қилмасдан ноқобил кишини тарбият қилмоқ зулм турур.

Сидқий ХОНДАЙЛИҚИЙ

ГИЁҲВАНД МОДДАЛАР ЁНДИРИЛДИ

Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик хизмати томонидан 2,5 тонна гиёҳванд моддаларни ёқиб тadbирни ўтказилди. Бунинг 2 тонна 250 килограмминини қоратори, 90 килограмминини героин, марфин ва марихуана ташкил этади.

ГУРУР

"Алломиш" эпоси яратилганлигининг 1000 йиллик тантаналари қалбимизга гурур ва шукҳу бағишлади. Буюк дostonнинг дунё бўйлаб шукҳратидан атрофда ҳикоя қилувчи куйидаги мақола мана шу гуруримизга гурур, шукҳумизга шукҳу бағишлайди деган умиддамиз.

Америкалик машҳур тарихчи олим Хасан Поқсой билан мен саккиз йил олдин Ўрта Осиёга бағишланган халқаро бир йилгиликда танишганим. Уша йилгилик мутасаддилари анжуманининг биринчи кунини мени бир олим қидириб юрганни айтишиб, у мени қайси ерда кутиб туришини ҳам айтишди.

ОКСФОРД УНИВЕРСИТЕТИ ВА АЛЛОМИШ РУҲИ

менман. Исми - Хасан. Хасан Поқсой, - деб ўзини таништиради.

Хасан Поқсойни кўришим билан асримиз бошларидаги халқни саводли қиламан деб жонини жабборга беришга тайёр бўлган жасоратли жадиладар кўз олдимга келди. Хасан Поқсой билим доирасининг жуда кенглиги, бир неча тилларда она тилидек сўзлашса олиши, самимийлик ва энг муҳими барча туркий халқларни ўз халқи, бир халқ деб билиши мени мафтун этди.

Хасан Поқсой кам гапириб, кўп иш қиладиган инсонлар сирасига кирди.

УЧ МАМПАКАТДА ИЛМ ОЛГАН ОЛИМ

Хасан Туркияда 1948 йили туғилган. Уша ердаги Измир ўқитувчилар коллежини тугатиб АҚШ га ўқиш учун келган. У 1976 йили Даллас шаҳридаги Техас университетини битирган.

Хар кимки, ўз тенги билан чиқса ва мадора қилса, душман кўлидан саломат бўлур; ахлоқ ва сифатда дўстлар бирла мувофиқ бўлса, аларнинг мухолифатларидин амон бўлур.

Қўшабпарак кун душмани бўлганидек, ҳақиқатчиға ҳам душман кўбдир. Локин ҳақиқатчи қўшаб-параклардин кўрқуб мақсадинин чечилмас.

Уч нимарсаннинг бақоси бўлмағай: бахс ва жадлисиз или, ва тижоратсиз мол, ва сиёсатсиз мулк.

Қобил кишини тарбият қилғил ва ноқобилни тарбият қилмағилки, қобилиятликини тарбият қилмасдан ноқобил кишини тарбият қилмоқ зулм турур.

Сидқий ХОНДАЙЛИҚИЙ

ГИЁҲВАНД МОДДАЛАР ЁНДИРИЛДИ

Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик хизмати томонидан 2,5 тонна гиёҳванд моддаларни ёқиб тadbирни ўтказилди. Бунинг 2 тонна 250 килограмминини қоратори, 90 килограмминини героин, марфин ва марихуана ташкил этади.

ЎЗЛИГИ

Профессор Хасан Поқсойнинг Буюк Британия илм даргоҳларида яратган дастлабки йирик асарини "Алломиш" — Ўрта Осиёнинг ўзлиги рус ҳукми остида" деб номланган бўлиб, у Хартфорд шаҳрида (Коннектикут) монография туркумида 1989 йили босилиб чиққан.

Узоқ йиллар мобайнида Хасан Поқсой дунёга донги кетган Харвард университетини Яқин Шарқ тадқиқотлари марказида ва бир вақтнинг ўзида Марказий Коннектикут университети Тарих бўлимида, кейинчалик Амхерстадаги Массачусетт университетини профессор лавозимларида ишлаб келди. Сўнги йиллари Хасанбек Франклин университетида ҳам профессорлик қилган.

АҚШ университетларида дарс бериш билан бирга Х.Поқсой ноширлик иши билан ҳам шуғулланди. Х.Поқсой АҚШда Ўрта Осиёни тадқиқ этиш уюшмасини тuzиб, унга президент бўлиб ҳам сайланди ҳамда "Ўрта Осиёни тадқиқ этиш уюшмаси бюллетени"га ("AACAR BULLETIN") бош муҳаррирлик ҳам қилди. Улугбек "Зиҳн", Хусайн Бойқор рисолидан тортиб ҳозирги ўзбек тарихий хикояларига ҳам мавзудаги илмий тадқиқотлар мана шу бюллетен орқали кенг ўқувчилар оmmasига тақдим этилди.

Х.Поқсойнинг севган соҳаларидан бири туркий халқлар фольклоридир. "Алломиш" ҳақида катта асар яратган бўлса-да, у қайта-қайта бу мавзуга мурожаат этади, туркий халқлар қаҳрамонлиги, донолиги акс эттирилган бу дostonнинг янги қирраларини топишга, айтилмаган фикрларини айтишга ҳаракат қилади.

Бошқа тадқиқотчиларнинг "Алломиш"га бағишланган асарларида, донолиги, аёнлиги, биринчи бўлиб бу ишга ўз муносабатини билдиради. Мабоодо бирор олимнинг иши ёқиб қолса, тезликда уни шарҳлайди, инглиз тилига таржима қилади ва ўз изоҳлари билан АҚШ ёки Оврупо матбуотида чоп эттиради. Айрим ҳолларда ўзбек олимлари ишларини бошқа муносабатларга таржима қилдириб, ўз журналида чоп этади.

Фан доктори Наим Қаримовнинг "Алломиш"нинг қатли оқ этилиши ("Шарқ юлдузи", 1992, 12-сон) тадқиқоти илк бор АҚШнинг Мадсон шаҳридаги Висконсин университети тадқиқотчиси Шон Лайонс томонидан таржима қилинган. Х.Поқсой бу ишни ўзи муҳаррирлик қилаётган "Ўрта Осиёни тадқиқ этиш бюллетени"да босиб чиқарди.

"АЛЛОМИШ" — ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ

Хасан Поқсой ўз китобида "Алломиш"нинг 38 саҳифадан (832 қатордан) иборат бўлган 1901 йилги араб ёзувидаги Абубакир Диваев вариантини асос қилиб олган ва унинг тўла инглизча таржимасини ҳам китобига илова қилган.

Китобнинг биринчи боби "Алломиш ва туркий дoston жанри"га бағишланган бўлиб, бунда муаллиф "Алломиш шарқий Олтой ва гарбий Урол тоғларидан тортиб Туркистонгача бўлган ҳудудда машҳур бўлиб, айрилиб келинаётган дostonдир. Дoston туркий халқларнинг озодлиқ учун курашини ўзида акс эттиради" деган тўғри фикрни олға суриб, туркий дostonнинг келиб чиқиши тарихини тадқиқ этади.

"Ўғузнама", "Манас", "Гурўгли", "Қирқ киз", "Тоғлар ва Зухра" каби халқ оғзаки ижодиға мансуб асарлар билан "Алломиш" дostonи ўртасидаги муносабат ҳусусида бу бобда билдирилган фикрлар фақат китобхонларнинг эмас, балки фольклоршуносларнинг ҳам эътиборини ўзига жалб этади.

Айрим уринларда олға сурилган фикрлар ҳозирги баъзи туркийшунос олимлар томонидан тўғридан-тўғри қабул қилинмаслиғи ҳам мумкин. Масалан, танкили турк олими Абдуқодир Инон яратган "Ўғуз хоқон ҳақидаги дoston ишида дoston - бирламчи дoston бўлиб, бошқа дostonлар мана шу дoston тасвирида яратилган" деган

назарияни Х.Поқсой келтиради ва бу назарияни тўлалиғича қабул қилган кўрилади. Бошқа бир ўринда Х.Поқсой "Тоғлар ва Зухра" романтик дoston бўлиб, "Алломиш" асосида тuzилган" деган ҳужима келса-да, бунинг аниқ далилламайди.

Китобнинг иккинчи боби "Алломиш" дostonини йўқ қилишга ҳамда сақлашга бўлган уринишлар. Биринчи уриниш "деб номланган, унда дастлаб Ўрта Осиёдаги рус мустамлакачилик сиёсати ва бу сиёсатга қарши ўрта осийликлар олиб борган ҳаракатларнинг биринчи довоғи ёритилган. Мазкур бобнинг иккинчи қисмида шўро мустамлакачилик сиёсати, ягона Туркистоннинг бўлиб ташлашини, алифбонини ўзгартириш сиёсати, "Алломиш" дostonининг ман этилиши тарихий илмий изоҳлар ва тарихий ҳужжатлар асосида батафсил баён қилинган. Бу масаланинг ёрити-

Хайрулла ИСМАТУЛЛА, Илмий ва университет профессор

Боровков, Ҳоди Зариф, Жирмунский, З.В.Тўғоннинг бу масаласида оид фикрларини кенг таҳлил қилиб, мантқан тўғри хулосалар чиқарган.

Х.Поқсой Алломиш сўзининг келиб чиқиш тарихи - этимологиясини ҳам аниқлашга ҳаракат қилиб, бу сўзнинг илмда мавжуд бир неча изоҳларини келтиради. Х.Поқсойнинг ёзишича, Абулғози Баҳоуддиннинг "Шажараи Тароқима" асарига Кармишбейнинг қизи, Машибейнинг хотини Барчин номи эслатилиб ўтилади. Танкили турк олими Абдуқодир Иноннинг тахминига қараганда, "Алломиш" сўзи "алп" ва "Мамиш" сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлган: Алп+Мамиш > Алломиш.

Олим "Алломиш" сўзининг яна бир этимологиясини бериб, бунда бу сўз "Алп" ва "эмш" сўзларидан ясалган деган фикрни олға суради: Алп + эмш > Алломиш.

Юсуф бин Хожа Шайхулислом ўғли оғзидан 1899 йили ёзиб олинган "Алломиш" варианты бу бобда Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган вариант билан қиёслаб тадқиқ этилган.

Кичик Осие, Туркияда "Бамси Байрак" номи билан маълум бўлган дoston, Х.Поқсойнинг фикрича, "Алломиш" дostonининг бир вариантыдир. "Алломиш" ва "Бамси Байрак" дostonларининг қиёсига бағишлаб, Х.Поқсой алоҳида илмий иш ҳам ётқан қилган.

Тадқиқотчи рус шўро адабиётчиси Жирмунскийнинг "Алломиш" дostonига оид айтган фикрларини танкили ўзбек олими Ҳоди Зариф домла асарлари билан қиёслаб чиқиб, ажойиб бир ҳақиқатни тиклаган. Х.Поқсойнинг хулосасига кўра, Жирмунский ўш маънаб ва обрўларини Ҳоди Зариф ёзганлари асосида топган. Хасанбекнинг Оксфорд университети ўқувханаларида бундан 30 йил олдин чиқарган бу хулосасига ҳозирги кунларда жуда кўп ўрта осийлик мунававарлар қўл қўйган бўларди. Хасанбек ўрта осийлик ҳамкасблари айта олмасдан, дилларида тугиб юрган гапни ўз китобида бутун дунёга эшиттириб, баралла айтган.

"Алломиш" дostonининг минг йиллик тўйи муносабати билан машҳур олим Хасан Поқсой ҳақида ёзишимга тўғри келди. Ёзиш ниятимни Хасанбек билмайдди. Мен унга бу ҳақда хабар бермадим, барча нашр этган асарлари рўйхатини сурамадим. Ўзимда йилгилан илмий тадқиқотчилари билангина чегараландим. Гапим, Хасанбек ўзи ҳақида кўп баъсирайди, бошқаларнинг мақтаниши ҳам истамайди. Чин олимларга хос бўлган фақат бир нарсани ёқтиради: кам гапириб, кўп, ҳалол, сифатли ишлашни.

Буюк Навоий ҳазратлари пок олимлар ҳусусида ушбу мисраларни ёзган эканлар: Бировкин қилса олимларга таъзим, Қилур гўёки пайгамбарга таъзим. Ҳадис ўлиши набийдин бўйла ҳадис, Ки "Олим келди пайгамбарга ворис".

Хасан Поқсой туфайли "Алломиш" дostonи сўнги 20 йил давомида фарб дунёсида янада кенг тарқалди, машҳур бўлди.

Бу сафар "Алломиш" туфайли биз Харвард университети профессорси Хасан Поқсойни ўз ота-боболари юртига тарғиб этишни, олимга эса амалга оширган барча кутли ишлари учун таъзим этишни бурч санадик.

Англиянинг Оксфорд университетида Хасан Поқсой амалга оширган дostonнинг инглизча таржимаси ақл нуҳадан хоржий тилга қилинган биринчи таржима ҳисобланади.

Х.Поқсой китобининг 4-боби ҳам "Алломиш" дostonини йўқ қилишга ҳамда сақлашга бўлган уринишлар. Иккинчи уриниш "деб аталиб, 2-бобнинг давомини эслатади. Мазкур бобнинг биринчи қисмида Х.Поқсой "Алломиш"нинг ўзбекча, қозқоч ва қоракалпақча вариантлари

ХУРРИЯТ 28 декабрь 153-сон
Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси
Бош муҳаррир ўринбосари Нормат ҚҲИЛОВ
Тахрир хизмати: Азамат ЗИР, Хуршид ДУСМУХАММАД (бош муҳаррир), Абдуқодир ИБРОХИМОВ, Амирқул ҚАРИМОВ, Абдуқодир ЙУЛДЎЗ, ШЕВ, Наим ҚАРИМОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раъмон ҚУРҚОП
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот ҳўматасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2
Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63
Индекс: Яққа обунувчилар учун - 233 Тошкентликлар учун - 234
«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўғон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ
Топшириш вақти - 21.00
Сопиришида - 18.30
Буюртма -
Муаллиф фикри тахрирнинг нуқтан назаридан фарқланмиши мумкин. Тахририятга юборилган мақбул ва мақбулларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

